

**ABDULLA ORIPOVNING QASIDANA VİSLİK MAHORATINI
O'RGANISHGA DOIR**

(Шоирнинг “Ўзбекистон” қасидаси мисолида)

Файзуллоев Бахтиёр Бобожонович,
Хўжанд ДУ доценти, филология фанлари
номзоди (Тоҷикистон)
Тел: (+992) 92 703 66 61
Эл.почта: b.fayz.1961@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидаси таҳлилига асосида шоирнинг қасиданавислик маҳорати ва мазкур асарни замонавий таълим жараёнида ўрганишга доир методик мазмундаги хуласалар ҳамда қасиданинг бугунги ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, бадиий қиммати ҳамда илмий аҳамияти кўрсатиб берилди.

Таянч сўз ва иборалар: анъана, тарих, таъсир, мумтоз жсанр, ўзига хослик, маҳорат, қасида, бадиий санъатлар, инкор ва тасдиқ, бадиий таҳлил.

Шарқ мумтоз адабиёти тараққиётида ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард, маснавий, мусаддас, мухаммас каби мумтоз лирик жанрлар доимо етакчилик қилиб келган. Жумладан, қасида ҳам. Қасида жанри дастлаб араб адабиётида юзага келиб, сўнг араб адабиётидан форс-тоҷик шеъриятига, ундан кейин ўзбек адабиётига кириб келгани манбаларда қайд этилган. Аниқроқ айтганда, ўзбек мумтоз адабиётида яратилган биринчи қасида намунаси Юсуф Хос Ҳожиб (X1 аср) номи билан боғлиқ. Форс-тоҷик шеъриятида эса қасида жанри X асрда Рудакий ижодидан бошланган эди.

“Кутадғу билик”да Юсуф Хос Ҳожиб тоҷик шоирлари ижодидан хабардор ҳамда баҳраманд эканлигини ўз асарида ишора қилган ўринлар мавжуд. Бу ҳол бадиий ижоддаги адабий таъсир ва ижодий ўзига хослик тажрибаси билан боғлиқ ижодий жараён сирасига киради. Ўзбек мумтоз адабиётининг кейинги тараққиётида қасиданавислик анъанаси Саккокий, Навоий, Оғаҳий каби мумтоз шоирлар томонидан ривожлантирилди. Қасида жанрида яратилган асарлар “...тантанали услубда ёзилиши, унда айрим тарихий шахс ва муҳим воқеа-ҳодисалар таъриф-тавсиф қилиниб улуғланиши... кейинчалик эса қасиданинг мазмун доираси кенгайиб борган”ини кузатиш мумкин [Абдуқодиров А.1:32-34].

XX аср ўзбек шеъриятида бошқа мумтоз лирик асарлар қаторида қасида жанрида ҳам кўплаб ижод намуналари юзага келди. Уларнинг “мазмун доираси кенгайиб борган”ини бошқа шоирлар қатори Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов ҳамда Абдулла Ориповларнинг ижоди мисолида кузатиш мақсадга мувофиқ. Улар яратган қасидаларда миллат тарихи, Ватан мадҳи, ватанпарвар ўғлонларининг ибратли фаолиятини хаққоний равишда кўрсатиб бериш билан бирга, даврнинг муҳим глобал

муаммоларини ҳам ўзида акс эттира олишдек муҳим вазифалар адабиётнинг кун тартибидан жой олди.

Абдулла Орипов ижодида Ватан мавзуси, мозийдан бугунги кунга қадар ўзбек халқининг ҳаётида муҳим ўрин тутган тарихий воқеалар, улуг сиймолар ҳаёти ва фаолиятига доир масалалар доимо етакчи мавзулардан бири бўлиб келган. Шоир шеъриятида аждодлар шони ҳамда шукуҳи теран шоирона пафос билан бирма- бир тилга олингани бунинг далилидир.

Аждодларимизнинг нурли ҳаёти ва фаолияти ҳар бир давру замон учун ибрат мактаби эканлигини Абдулла Орипов шоирона идрок этиб, улардан хулосалар чиқаришни зукко шеърхонлар зиммасида қолдиради. Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик...” деган улуғ ҳикматига амал қилган шоир “Ўзбекистон” қасидаси ҳам бу анъанага содик қолади. Ватан-парвар шоир ўзининг эзгу мақсадларини бетакрор поэтик рамз ва тимсоллар, ҳаётий ташбеҳу талмехлар воситасида бадиий ҳақиқатга айлантира олганлигини қасиданинг ҳар бир банд ва ҳар бир мисрасидан, ҳоттоки, товушларидан ҳам ҳис қилиш мумкин.

Абдулла Орипов ўзи туғилиб, камолга етган юрти ҳақида қатор етук мазмунан теран бадиий асарлар яратди. “Ўзбекистон” қасидаси ушбу туркумдаги шеърларининг мукаммал бадиий намунаси эканлиги, шубҳасиз. Фикримизча, мазкур қасида таҳлилида бир нечта асосий нуқталарга эътибор қаратиш таҳсинга лойиқ. Яъни юрт ҳақида А.Ориповдан олдин ҳам устоз шоирларнинг асарлар яратганига эътибор қаратиш мсалани янада ёрқинроқ тасаввур этишга ёрдам беради. Ойбек “Ўзбекистон” шеърида “Бир ўлкаким тупроғида олтин гуллайди...” дея халқнинг бугунги ҳаёти кечаги ўтмишига қиёсланган бўлса, Ҳамид Олимжон бетакрор романтик бўёқларда Ўзбекистон диёрини гўзал ташбеҳлар воситасида “ёш келин”га қиёс этади. Миртемир ва Уйғун шеърларида эса Ватанинг бугунги қудрати ҳамда эртанги нурли қунига маҳсус ургу берилади. Зукко истеъдод соҳиби А.Орипов устозлар анъанасини давом эттириб, Ватан ҳақида жозибали шеър яратади. Қасидада ўзбек халқининг узоқ йиллик тарихи мужассам этилганлиги билан ўзига хос бадиий қиммат касб эта олган. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу асар дунёга келган пайтда халқимиз ўз ўтмиши, тарихи ҳақида илиқ гапларни айта олиши амри маҳол замонлар эди. Шоир юраги зада бўлган инсон монанд: “Мақтамасман мозийни бироқ, ўтмишингни эслайман бир зум ”, - дея қасида муқаддимасида адабий-эстетик мақсадини шоирона андиша ила баён қиласи. Шоир факат халқ тарихи билангина кифояланиб қолмасдан, қасидада жамиятдаги улуғ ишларга ҳисса қўшган замондошлар образини ҳам зўр маҳорат билан бирма-бир қаламга олади. Хусусан, XX аср ўзбек

адабиётининг намояндалари, устоз шоирларнинг муборак номлари ҳам эҳтиром билан тилга олинган. Шунингдек, шу давр фарзанди, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг жасорати, илму-урфон борасида тарихимизда ўчмас из қолдирган Ҳабиб Абдулла каби ўзбек асил фарзандининг номи ҳам ўз ўрнида мисраларга нақшланган. Сўнг шоир ўз ўкувчисини секин мозий бағрига етаклайди ва кўз ўнгидаги “икки аср ярим дунёни зир қақшатган...”-“оқсоқ жаҳонгир” – Амир Темур сиймоси, шунингдек, жаҳон миқёсида фалакиёт илми кашшофи бўлган Мирзо Улуғбекнинг ҳасратларга тўла кўз ёшлари, ўзининг “ақл машъали” билан денгиз ортин ёрита олган Берунийнинг беназир хизмати ҳамда “беш асрким, назмий саройни ” қалами қудрати билан титрата олиб, “Навоий, сўз айтурда мардона бўл!”, дея хитоб қилиб, шеърият майдонига тушган бобокалон шоиримизнинг нурли сиймоси, шу билан бирга, ўзбекнинг ҳақиқий ватанпарвар ўғлони Жалолиддин Мангуберди жасорати бирма-бир кўз ўнгимиздан ўта бошлайди. Қасида матнида улуғ сиймолар номини бирма-бир санаб ўтиш мақсад қилиб олинган эмас, албатта. Улар сиймоси орқали тарих ҳақиқати мукаммал бир тарзда бадиий ҳақиқатга кўчган. Таҳлил жараёнида қуйидаги шеърий парчага эътибор қаратиш шоир мақсадини тўғри англашга ёрдам беради:

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.
Демам, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним. [Орипов А. 5: 222-223].

Авар халқининг миллатсевар шоири Расул Ҳамзатов ўтмиш ҳақида тўхталиб, “Агар сен ўтмишга тўппончада ўқ узсанг, келажак сенга замбарак-да ўқ отади”, - деган эди. Ҳар бир халқ ўз тарихи ва қадриятларига адолат билан муносабатда бўлиши эртанги ёруғ кун учун пойдевор эканлигини теран англаган аллома шоир А.Орипов “Ўзбекистон” қасидасини яратишида ҳам ушбу принципга таяниб қалам тебратган. Таъкидлаш жоизки, мазкур асар ёзилган давр мустабит тузум салтанати адабиёт устидан ўз ҳукмини ўтказиб турган оғир бир тарихий давр бўлиб, бу йилларда Амур Темур ҳақида ёзиш ёки у ҳақида бирор илиқ гап айтиш амри маҳол эди. Шундай бир мураккаб вазиятда ўз тарихи, ўтмиши, аждодлари билан фахрлана олиш учун ижодкор

чинакам жасорат фарзанди бўлиши лозим эди. Шу ўринда ҳассос шоира Ҳалима Худойбердиеванинг: “Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим, шунчаки ёзмоқлик шоирга ўлим!” деган сўзлари беихтиёр ёдга келади.

Шундай масъулиятли вазифани зиммасига олган шоирга мумтоз адабиётимиздаги мавжуд анъаналар ҳамда рамзу бўёқлар қўл келди. Она тилимизнинг бой имкониятларидан усталик билан фойдаланган шоир инкор ҳамда тасдиқ усулидан моҳирона фойдаланиб, ўзига хос бетакрор бадиий қашфиёт яратса олган. Матндаги “Демам, бу кун, у маним, маним, Ўзбекистон, Ватаним маним” мисралари замирида “коса тагида нимкоса” қабилидаги Бедилона бадиий топилма, ботиний маъно мавжуд эканлигини дастлабкилардан бўлиб Яшар Қосимов тўғри кўрсата олади: “Демам, бу кун, у маним, маним” мисрасини икки хил ўқиш, яъни Амир Темур менини демайман, у билан фаҳрланмайман. Иккинчи, тагдор маъно - бу кун менини дея олмасамда, барибир у меникидир. Мисра сўнгидаги “маним, маним” такрори “демам” даги инкорни ҳам тасдиқлайди, ҳам инкор қиласди. Ва охир оқибатда мисра қўш маъно касб этган ” [Қосимов Я. 13: 174].

Қасида таҳлили жараёнида талабалар эътиборини шундай нуқталарга қарата билиш уларнинг шоир бадиий маҳорат қирраларини янада теранроқ англаб олишларига ёрдам бериши билан бирга адабиёт илмига доир назарий тушунчалари мукаммаллик касб этишига замин бўлиб хизмат қиласди.

Бу жараёнда тингловчилар эътиборини Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотларга ҳам қарата олиш уларда аждодлар ҳаётига, миллий тарихимизга ижобий кайфият уйғотиши шубҳасиз.

Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир қалом бор гап аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,

У Улуғбек кўзидағи ёш.

Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним! [Орипов А. 5: 224].

Темур авлодлари орасида ақлу заковатда, илм ва тафаккурда беназир иқтидор соҳиби Мирзо Улуғбекнинг илму маърифат борасидаги беназир хизматларига қисқача тўхталиб, айниқса, улуғ аллома ҳаётининг зиддиятли ва изтиробларга лиммо-лим ҳаётининг сўнгги йиллардаги фожиали тақдири ҳақида маълумот бериш зарурияти туғилади. Бунда А.Орипов тарихга юксак

шоирона тафаккур билан нигоҳ ташлаб, темурий шаҳзодалар фаолиятини шунчаки баёнчиси бўлиб қолмасдан, балки тарих ҳақиқатини поэтик тимсоллар ёрдамида бадииятга муҳрлай олганлигини мисоллар мисолида кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Қасидада шоирона зукколик билан мисралар бағрига нақшланган “кўзидаги ёш” тасвири ҳам таҳлил жараёнида изоҳланса, нур устига аъло нур бўлади. Асардаги бетақор поэтик образлар, ўзига хос шоирона жозиба, айниқса, бадиий маҳорат сирлари тингловчилар ибтидоий тасаввурларини ўзгартириб юбориши аниқ. Айниқса, сўнгги сафарга равона бўлаётган мамлакат султонининг кўзда ёш билан шаҳид кетганига шеърхон қанчалар ачинса, падаркуш деган тавқи лаънатни бўйнига осиб, темурийлар сулоласига, ҳаттоки, ўз исмига ҳам (Абдулатиф - арабчада марҳаматли, илтифотли ва меҳрибон, яъни Алоҳнинг қули дегани – Б.Ф.) абадий иснод келтирган Абдулатифга нисбатан шунчалар нафрат уйгонади.

Таҳлилнинг шу ўрнида таълим жараёнидаги қиёсий усулдан фойдаланиш дарс самарадорлиги ва сифатини таъминлашга ёрдам беради. Яъни матндаги “кўзидаги ёш” тасвири замиридаги фожиани янада теранроқ идрок этишларида Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожиасига мурожаат қилиш ўринлидир. Унда салтанатни қирқ йил бошқарган хукмдор Улуғбекнинг изтиробларга тўла сўнгги ҳаёти акс этган. Ғанимлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган тасвир трагедияда ўзига хос кўринишда бадииятга муҳрланган. Улуғбек ханжар зарбидан ерга тоғдек қулади. Қоп-қоронғу тун. Одатдаги каби кўкда юлдузлар чароғон порлаб турибти. Охирги умидлар билан осмонга нигоҳ ташлаган султон нидоларига қулоқ тутайлик: “Эй фалак, эй, кажрафтор дунё! Мен сен учун ёмон фарзанд эмас эдимку!” Шу тарзда буюк бир қалб эгаси кўзида ёш билан фоний дунё билан видолашди. Фожиадаги худди шу тасвир қасидага “Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас, у Улуғбек кўзидаги ёш” тарзида кўчиб, мисралар бағрида нақши нигор топганига иқрор бўламиз. Бу тасвир усули бадиий ижоддаги адабий таъсир ва ижодий ўзига хосликнинг ёрқин намунаси эканлигига таҳлил жараёнида эътибор қаратиш ҳам қасидани тўла идрок этишга ёрдам беради, темурийлар тарихида юз берган ушбу машъум тарихий ҳақиқат улар хотирисида бир умр муҳрланиб қолади ва энг асосийси, улар қалбида ёвузликка нисбатан нафрат олови алангана олиб, илму маърифатга муҳаббат чечаклари бўй кўрсатади.

Қасидада босқинчи Чингиз истилосига қарши мардларча кураш олиб бориб, тарихда тенгсиз жасорат эгаси сифатида ном қолдирган Жалолиддин Мангуберди сиймоси ҳам зўр маҳорат билан назмга кўчган:

Сени Чингиз ғазабга тўлиб,
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.

Жалолиддин самани бўлиб,
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан, ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним. [Орипов А. 5: 224].

Асарнинг ушбу қисми таҳлил қилинаётганда қуидаги тарихий воқеага эътибор қаратилиши масалани янада аниқроқ тушунишга ёрдам беради. Жалолиддин Мангуберди билан боғлиқ тарихий ҳақиқатдан талабаларни хабардор қилиш устоз зиммасида турган вазифалардан яна биридир: 1221 йилнинг 24 ноябрида Мангуберди суворийлари билан мӯғуллар ўртасида Ҳинд дарёси соҳилида бўлган қаттиқ жангда Чингизхон барча қўшинларини урушга ташлайди ва жангни шахсан ўзи бошқариб боради. Бу аёвсиз жангда Чингиз қўшини ғалаба қилган бўлса-да, муғуллар тарихда мисли кўрилмаган катта талафотлар кўради...

Ўша куни мӯғуллар Жалолиддиннинг асир олинган етти ёшли ўғли юрагини тириклайн суғуриб олади. Орияти осмон қадар Мангуберди барча аёлларни босқинчилар қўлига асир топширмаслик мақсадида дарёга чўктириб юборади ва ўзи эса қўшинлари билан Ҳинд сари чекинади [Ўзбек Совет Энциклопедияси, 14 томлик, 4-том. 12:295]. Бу тарих ҳақиқатини ўқувчиларга етказа олиш қасидадаги тарихий шахслар ҳаёти билан боғлиқ бадиий ҳақиқатни тўла англашларига ёрдам бериши, шубҳасиз. Мангуберди ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеалар тафсилотини А. Орипов қасидада муаррих мақомида батафсил сўзлашдан чекиниб, ватанпарвар йигит тимсолини кўрсатишда Машрабона тасвир усулига риоя этиб, “минг маънини бир нукта билан мухтасар этиши”га эриша олади. Бундай бадиий тасвир усули Шарқ шеъриятида “нуктадонлик” номи билан маълум ва машҳур бўлган. А. Орипов ҳам ўз қаҳрамонининг ёрқин сиймосини ўқувчи қўз ўнгида гавдалантира олгани асардаги муҳим аҳамиятга эга бўлган нукталардан бири дейишга имкон беради.

Таҳлил давомида яна бир асосий ўрин Жалолиддин Мангуберди билан Хўжанд шаҳрини босқинчи Чингиз қўшинларидан мардона ҳимоя қилишга бел боғлаган Темур Малик билан боғлиқ ўзаро дўстлик тарихи. Бу тарихий воқеа мисолида талабалар бир-бири билан қадимдан буён “қуда ва қудағай” (Фафур Ғулом) бўлган ўзбек ва тожик халқларининг ўзаро дўстлик тарихи узок ўтмишга бориб тақалишини таъкидлаб, бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг дўстлик ва ўзаро ҳамкорликлар борасида амалга ошириб келаётган одилона сиёсатларига боғлаб тушунтириш ёшларни замон билан ҳамнафас бўлишларига айниқса, уларнинг сиёсий жиҳатдан зийрак бўлишлари учун хизмат қилиши аниқ.

Таҳлилнинг шу ўрнида ҳам А.Орипов зукколик билан қўллаган ҳусни таълил деб аталган бадиий санъат ҳақида ҳам талабаларга қисқача назарий тушунчалар бериш имконияти туғилади. “Ҳусни таълил фикрни чиройли асослаш санъатидир. Аммо бу асослаш реал, ҳаётий бўлмасдан фақат шоирона асослش бўлади...” [Рахмонов В. 10: 37-38]. Қасидада “Жалолиддин самани бўлиб, сакраб ўтдинг Аударёдан” мисрасида шоирона чиройли асос келтириш билан бирга муболаға санъати [Рахмонов В.10: 58] ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳол биргина тасвирда қўш санъатлардан моҳирлик билан фойдалана олиш шеърга ўзига хос жозиба ҳамда мукаммаллик баҳш этган.

Асар таҳлилида шоирона зукколик билан бадииятга муҳрланган дехқон ашраф авлоди ҳақида ҳам муфассал маълумот бериш имконияти мавжуд. Дехқоннинг заҳматли меҳнати, уларнинг шону шукуҳи ҳақида “Авесто”дан Носир Хусравгача ҳамда Ҳазрат Навоийгача бўлган қўплаб мутафаккирлар асарларида илиқ фикрлар баён қилинган. Аммо собиқ шўролар даврида яратилган асарларда, айниқса, даврий матбуот саҳифаларидағи қатор буюртма тарзидағи мақолаларда дехқонлар шаънига сохта мақтовлардан иборат баландпарвоз бошдан охир қуруқ мадҳиялардан иборат мақолаларга ўтган етмиш йиллик тарихимиз гувоҳ. Аммо бу каби сохта мадҳияларнинг бирортаси “ялангтўш яёв” (А.Орипов) дехқоннинг елкасидаги зил-замбил юкини енгил қилиб, косасини оқартира олмаганига заҳматкаш халқимиз жонли шоҳид. Шуниси диққатга лойиқки, Абдулла Орипов асаридағи дехқон образи, унинг руҳий олами, турмуш тарзи ҳаққоний, айниқса, ўзбекона сиймоси самимий тарзда бадиий ифодага қўчгани жиҳатлари билан мазкур қасида бошқа асарлардан ажралиб туради. Шу ўринда яна асар матнига назар ташлаш зарурияти туғилади:

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди бирор.
У сен эдинг, о дехқон юртим,
Турар эдинг ялангтуш, яёв.

-Ташқарида изиллар ёмғир.

Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: - Пахтам қолди-ку ахир,
Йигиширий келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним...
Ўзбекистон, Ватаним маним. [Орипов А. 5: 225].

Қасиданинг сўнгги қисми ҳам ўқитувчи томонидан зукколик билан таҳлил қилиниши дарс самарадорлиги учун хизмат қиласи. Асар якунидаги А.Орипов келажакка юксак эзгу ниятлар билан шоирона башорат қила

олганки, бундай ҳақиқатни дадил айта олиш учун шоирона истеъодод билан бирга катта жасоратни ҳам тақозо қиласди. Шу ўринда қуйидаги мисралар изоҳига ўтилади:

Бир ўғлингдек ме ҳам бу замон
Кечмишингни қилдим тамоша.
Иқболингни кўролдим аён
Бутун дунё кенгликлар оша.
Иқболи ҳур, шўх-шаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним...! [Орипов А. 5:226].

Беихтиёр кўз ўнгимизда 1991 йилнинг 1 сентябри намоён бўлади. Шу кундаги муҳим тарихий воқеа - Ўзбекистон деб аталган мустақил юртнинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқида ҳилпираб турган тарихий кун ёдга келади. Дунёнинг қўплаб мамлакатлари Ўзбекистон дея аталувчи юртни расман эътироф этиб, турган қутлуғ бир кунда шу юрт мустақиллиги ҳамда озодлиги йўлида жонини тиккан ва бу йўлда шаҳид кетган не-не ота-боболаримизнинг муқаддас руҳи поклари озод ва обод шу Ватанинг мусаффо осмони узра шодон кезиб юрганини қалдан ҳис қилгандай бўласиз.

Қасиданинг якуний қисмида А.Ориповнинг шоирона башоратлари тўғрилигига ҳамда адабиёт аҳли орасида “Ҳақиқий шоирлар яrim пайғамбарлар” деган фикрга ишонч ҳосил қила оласиз. Шу билан бирга, ҳар бир мустақил давлатнинг қудрати, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни, обру-эътибори ва нуфӯзи фақат ёлғиз унинг ўзигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки энг аввал унга яқин қўни-қўшни бўлган давлатларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкинлигига қуйидаги мисралар шаҳодатdir:

Завол қўрма, ҳеч қачон, ўлкам,
Завол билмас шу ёшинг билан
Музaffer бўл, ғолиб бўл, ўқтам,
Дўсти ёринг қардошинг билан... [Орипов А. 5: 226].

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ҳар бир адабиёт дарси муҳаббатга ўғрилган гўзаллик дарси бўлмоғи шарт. Юқорида айтилган айrim мулоҳазалар қасиданинг тўлиқ таҳлили бўлмасдан, балки учта тарихий шахс ҳамда дехқон образининг таҳлилига доир баъзи мулоҳазаларимизни тақдим қилишга ҳаракат қилдик.

150 мисрадан иборат ”Ўзбекистон” қасидасининг тўлиқ методик таҳлили адабиёт ўқитувчисидан астойдил меҳнатни талаб қиласди. Шуларни эътиборга олиб, ушбу асар таҳлилига пухта назарий ва методик тайёргарлик

асосида ёндошиш зарур дея ҳисоблаймиз. Бу эса замонавий адабий таълимдаги асосий ва муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Зеро, проф. Қ.Йўлдошев фикрича: “чинакам бадиий таҳлил бўлмаган жойда адабиёт ўқитиш фақат қуруқ воқеалар баёнидан ёхуд ялангоч гоялар тавсифидан иборат бўлиб қолади...” [Йўлдошев Қ. 2: 59].

Қасида қайси шеърий вазнда ёзилганлиги ўкувчилар қўз ўнгida кўргазмалар воситасида (айниқса слайд шаклида намойиш этилса, мақсадга мувофиқ бўлади) кўрсатилиб, унда шоирона маҳорат билан қўлланган бадиий санъатларга ҳам эътибор қаратилиб, асардаги асосий шеърий унсурлар қаторида ёрдамчи шеърий компонентлар (*поэтик фонетика, поэтик морфология, поэтик синтаксис*) га доир назарий маълумотларни ҳам ўзлаштириб олиш, XX аср ўзбек шеъриятининг нодир намунаси сифатида эътироф этилган мазкур қасиданинг ўзига хос муҳим жиҳатларига эътибор қаратишдек вазифа ҳам борки, бу адабиёт ўқитувчисидан алоҳида меҳнатни ҳамда ўз касбига бўлган фидоийликни талаб қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуқодиров А. Адабиёт луғати. – Хўжанд: “ Нури маърифат”, 2009, 32-34- бетлар.
2. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий- назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
3. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: “O’ZBEKİSTON”, 2008.
4. Кўчимов А. Мен шоирман истасангиз шу... – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018.
5. Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.
6. Орипов А. Сайланма. – Тошкент: “ Шарқ ”, 1996.
7. Орипов А. Ўзини таниган адолатга интилади // Ўз АС, 1986, 9- май.
8. Орипов А. Инсон қалби билан ҳазиллашманг... // ЎзАС, 1983, 26 сентябр.
9. Орипов А. Ижоднинг безовта онлари. // ЎТА, 1987. -№ 4, 73-76- 6.
10. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: “SHARQ” НМАК, 2020.
11. Тўхлиев Б. Мен шоирман... // Ўз АС, 2008. - № 15.
12. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 томлик, 4-том. – Тошкент: ЎзСЭ бош таҳририяти, 1973.
13. Қосимов Я. Кетганлар ёди бу... Янги шеъриятимиз поэтикасидан // “Шарқ юлдузи”, 1992, № 7. 174- б.